

МАХАЛЛИЙ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САКЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА

ШАРТНОМА № 12 М/С

Бухоро шаҳри

“3” январь 2022 йил

Бизлар, “Бухоро вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси” номидан, бошқарма Низоми асосида иш юритувчи, бош бошқарма бошлиги Ш. Абдуллоев бир томондан, (кейинги уринларда “Буюртмачи” деб юритилади, “Коракул туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи корхона директори Б.Отахонов иккинчи томондан, (кейинги уринларда “Пудратчи” деб юритилади), аник манзилли ва йўл ишлари рўйхатида тасдикланган 215 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги махаллий аҳамиятидаги автомобиль йўлларини саклаш ишларини ташкил килиш бўйича ушбу пурдат шартномасини туздик.

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартлари бўйича ўзига биректирилган умумий узунлиги 215 км бўлган умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва ушбу йўллардаги йўл иншоотларини саклаш ишлари бўйича шартномага кўрсатилган муддат давомида доимий равишда хизмат кўрсатади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Конуннинг 15-моддасига асосан “Пудратчи” га биректирилган автомобиль йўллари, йўлдаги иншоотлар, жиҳозлар ва мол-мулклар “Пудратчи” нинг ихтиёрида бўлади.

II.ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси “Пудратчи”нинг 2022 йил 1-чорақда тасдикланган йўл ишларига ажратилган харажатлар сметасига асосан 241 695 000 (икки юз кирк бир миллион олти юз тўқсон беш минг) сўмни ташкил этади. Шартномага саклаш ишлари бўйича йул ишлари рўйхати (харажатлар сметаси) илова килиниб, булар шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланади.

III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 “Буюртмачи” Фазначилик бошқармаси орқали “Пудратчи”га шартноманинг 2-бўлимидаги кўрсатилган маблағни мазкур шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланган харажатлар сметаси ва тўлов жадвалига мувофиқ тўлаб боради.

3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га саклаш ишларини бошлаш учун ойлик режанинг 40 фоизи миқдорида олдиндан аванс (бўнак) маблағи тўлайди, қолган сумма харажатлар сметаси асосида бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан кабул қилиб олинниб, бажарилнишини тасдиковчи хужжатлар тўлик тақдим қилингандан кейин тўлаб берилади (ойма-ой харажатлар тасдикланган хужжатлар сметасидан ошишига йул кўйилмайди).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан тегишли ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

3.4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклаш ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўлларини саклаш ишлари билан боғлик бўлмайдиган эктиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарфланмайди. (Конун хужжатларида назарда тутилган холлар бундан мустасно).

IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. “Пудратчи” ушбу шартномага мувофиқ саклаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача бажарип, бажарилган ишларни тўловга тақдим этади.

4.2. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар учун шартноманинг 3.2-бандига асосан аванс маблағларини жорий ойнинг 15-санасигача бажарилган ишлар учун бажарилишини тасдиковчи хужжатлар тўлик тақдим қилингандан кейин 5 кун ичida тўлаб беради.

4.3. Шартноманинг амал килиш муддати :

2016 йил 22 декабря Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Фазна ижроси коидаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан, шартнома тегишли тартибида ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради ва 2022 йил 5 январдан тарафлар ўртасидаги бошланган муносабатларни тартибида солишга қаратилган бўлиб, 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

4.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирiga бир нусхадан берилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Пудратчининг хуқуқ ва мажбуриятлари :

5.1.1. Ўз кучи маблағлари ҳисобидан ишларининг календарь режасига белгиланган хажмда, муддатларда ва сифатли қилиб барча ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га лойиха-смета хужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни камчиликларсиз топшириш;

5.1.2. Ўзига биректирилган автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни, йўл жиҳозларини асрараш, таъмирлаш, ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда йул хизмати кўрсатиш.

5.1.3. Йўлларни саклаш жараённида Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли карори билан тасдикланган ва 2011 йил 31 декабргдаги 352-сонли карори билан тўлдирилган «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва саклаш ишлари ТАСНИФИ”га ҳамда тизимдаги йўл корхоналарининг

“Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўлари кўмитаси” олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро хужжатларига катъий риоя килиш;

5.1.4. Йўл минтақасидан самарали фойдаланиш ва уни амалдаги конунлар ҳамда меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ равиша саклаш;

5.1.5. Саклаш ишларини бажариш даврида техника ҳафсизлиги, атроф мухитни, йўл минтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилшини таъминлаш;

5.1.6. Йўлларда бажарилши зарур бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиксан оқибатлар учун “Пудратчи” тўла жавоб беради.

5.1.7. Бажарилган саклаш ишлари “Буюртмачи”га топширилгунга кадар бажарилган ишларнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

5.1.8. “Пудратчи” ўзи хизмат кўрсатадиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган соз ҳолатда сакланиси учун жавобгардир. Автомобиль йўлининг тегишли бўлгига (йўл шароити билан боғлик) йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришда вакил сифатида иштирок этади.

5.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўлари тўғрисида”ги Конуннинг 21-22-моддаларига асосан йўл минтақасида йўл ишлари билан боғлик бўлмаган ҳар кандай ишларни амалга ошириш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Буюртмачининг ҳукук ва мажбуриятлари:

5.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда бажарилган саклаш ишлари учун харажалар сметасига асосан “Пудратчи”га ҳақ тўлаш;

5.2.3. “Пудратчи” томонидан бажарилган саклаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача қабул килиб олиш.

5.2.4. Шартноманинг II-бўлимига ва илова қилинадиган харажатлар сметасига мувофиқ режалаштирилган маблағлар “Пудратчи” томонидан ўз вактида ўзлаштирилмаса ўзлаштирилмай қолган маблағни “Буюртмачи” кайтариб олиш ҳукуқига эга.

5.2.5 “Пудратчи” томонидан бажарилши лозим бўлган саклаш ишларини исталган вақтда назорат қилиш ва аникланган камчиликлар бўйича далолатнома тузиш.

VI. БАЖАРИЛГАН САҚЛАШ ИШЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

6.1.1. “Пудратчи” саклаш ишларини томонлар ўзаро келишиб тасдиқлаган харажатлар сметаси, лойиха смета хужжатларига мувофиқ равиша ташкил этади.

6.1.2. Алоҳида маъсулиятга эга конструкциялар ва яширин ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул килиш бошланишидан 3 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни ҳабардор қиласди.

Агар яширин ишлар “Буюртмачи”нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” яширин ишларнинг кисмини ўз хисобидан очишга, уни кайта тикашга мажбурдир.

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганинги аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучи билан “Буюртмачи” белгилаган муддатда сифатсиз бажарилган ишларни кайта бажаришга мажбурдир.

6.1.4. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга кадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади, дафтарда бутун ишларнинг бориши акс этирилади.

6.1.5. Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”дан қабул килиб олинмайди.

6.1.6. Буюртмачи” бажарилган саклаш ишларини қабул килиб олиш учун ўз вакилини буйруқ асосида тайинлайди. У “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Бажарилган ишлар учун фойдаланилган материаллар сифати “Пудратчи” зиммасида бўлади.

6.1.7. Техник назоратни ёки “Буюртмачи” томонидан тузилган комиссия ишлар бажарилшининг олиб борилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳукуқига эгадир.

6.1.8. “Пудратчи” назоратчини бажарилган ишларни қабул килиб олиши ва иш жойига бориб келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди.

6.1.9. Назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараённида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник Кенгашга таклиф киритади, йигилишларда мунтазам катнашади.

6.1.10. Инспекция назорати олиб бориш ва ишларни қабул килишда “Пудратчи”га тобе бўлмаган ихтисослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда тегишли ўлчов текширувларини амалга ошириш ҳукуқига эга. Мазкур текширувлар ва лабаратория ҳолосалари учун “Пудратчи” томонидан ҳақ тўланади.

VII. ФОРС-МАЖОР.

7.1. Тарафларнинг ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir. (Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, харбий ҳаракатлар киради).

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳакида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал қилиб турса ва якин муддат ичидан бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташабbusi билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йули билан бекор қилиниши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. "Буюртмачи" ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вактида бажармаганида "Пудратчи"га кечикирилган сумманинг кунига 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо пеня микдори кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.2. "Пудратчи" мазкур шартнома шартларига мувофик зиммасига олган мажбуриятларни ўз вактида бажармагандага ёки лозим даражада бажармаганда "Буюртмачи"га кунига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо пеня микдори кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеняни хисоблаш учун бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар далолатномаси асос бўлиб хисобланади ҳамда техник назоратчиларнинг билдиргиси ва маълумотномасига асосан кейинги бажарилиши лозим бўлган ишлар суммасидан чегириб колинади.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса бу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари ва уларга мувофик равишда кабул қилинган меъёрий хужжатлар асосида иктисодий судларига мурожат килиш йўли оркали ҳал этилади.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.

9.1. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартирниш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳакиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар колланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. "Буюртмачи" кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати "Пудратчи"нинг айби билан узлуксизлиги кетма-кет иккى ой таъминланмаганда, "Пудратчи" томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- "Пудратчи" томонидан қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати меъёр талабларига жавоб бермаганида;

- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойихада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда;

- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини тўлиқ бажариш имконияти йўқлиги ҳолати мавжуд бўлса.

9.4. "Пудратчи" кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли :

- "Пудратчи"га боғлик бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" томонидан иккى ойдан ошик муддатга молиялаштириш тўхтатилса;

- "Буюртмачи" бажарилган ишларни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор қилинганда "Буюртмачи" ва "Пудратчи"нинг биргаликдаги келишувига мувофик тугалланмаган таъмирлаш ишлари "Буюртмачи"га топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар кийматини "Пудратчи"га тўлаши лозим.

9.6. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш қарорига келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. Билдиришномани олган тараф 5 кунлик муддат ичида унга нисбатан ўзининг жавобини кайтариши лозим. Ушбу белгиланган муддатда жавоб кайтарилимаганда иккинчи тараф шартномани муддатидан олдин бекор қилишга рози эканлиги эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар тугатилади. Шартнома 9.3. ва 9.4-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор қилинганида иккинчи тараф бу ҳакида билдиришномани олган вактдан бошлаб шартнома бекор қилинган хисобланади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

Бухоро вилояти автомобиль йўллари
худудий бош бошкармаси

«Пудратчи»

Коракул туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон кучка 272 уй
Телефон :228-50-03

Ш.х/р 304510860064017045163118001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 201188890
ОКОНХ 97400

Газначилик булинмаси номи: Бухоро
Вилоят Газначилик бошкармаси
Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк
ХККА МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИР 201122919

Манзил: Коракул ш. Хасанак кучаси 1

Тел: 56-57-345
х/р: 22626000900412967001

банк: ТИФ Миллий Банк Бухоро вил. бўлими
МФО: 00084 ИНН 200881141
ОКОНХ 61129

Бош бошкармаси
баптилиги :

Ш. Абдуллоев

Директор: _____
Б.Отахонов

Юрист:

Х. Шаропов

Юрист:

С. Омонов

"КЕЛИШИЛДИ"



"ТАСДИЛАЙМАН"
Коракул Тифлик директори

Б Отахонов.
2022 йил

Шабдуллоев

2022 йил

Коракул Тифлик нинг Махаллий ахамиятидаги автомобил
Йулларни саклаш буйича 2022 йил 1-чорак учун
ТИТУЛ РУЙХАТИ

| №№ | Йулларнинг риганини | Автомобил йуллари номи | 2022 йил 1-чорак рејаси | Жами | I чорак | | |
|----|------------------------|--|----------------------------|------------|-----------|-----------|-----------|
| | | | | | Январ | Феврал | Март |
| 1 | 4К-193 | М-37 йулидаги шаҳобча Б) Жанапар 0-1 км В) Дурман, 0-1 км Г) 48 сонли разъезд 0-2 км | 12 717,00 | 12 717,00 | 4 239,00 | 4 239,00 | 4 239,00 |
| 2 | 4К-195 | "Коракул.ш-Сайёт.сув чикиншооти Самарканд Бухоро-Туркманбоши" а/йулига (М-37 314 км) 0-20 км | 24 378,00 | 24 378,00 | 8 126,00 | 8 126,00 | 8 126,00 |
| 3 | 4К-196 | Коракул.ш-Цимбидонбобо ёдгорлигиги" 0-3 км | 1 836,00 | 1 836,00 | 612,00 | 612,00 | 612,00 |
| 4 | 4К-198 | Коракул.ш-Мирзазальба.к-Жигачи.к" 0-5, 10-25 км | 82 266,00 | 82 266,00 | 27 422,00 | 27 422,00 | 27 422,00 |
| 5 | 4К-200 | Коракул т.й.б.-Сайёт к-Кизилробот к-Шаҳриҳайвар к-Якатут т.й.б. 0-36 км а) 0-12 км, б) 0-15 км | 45 999,00 | 45 999,00 | 15 333,00 | 15 333,00 | 15 333,00 |
| 6 | 4К-201 | "Олот.ш-Янгибоозор.к-Коракул.к-Гурдуш" 0-25 км | 18 498,00 | 18 498,00 | 6 166,00 | 6 166,00 | 6 166,00 |
| 7 | 4Н-170 | Коракул.ш-Бойсоми.к-Урганжи.к-Етим.к 0-11 км А) Козончага 0-3 км | 11 775,00 | 11 775,00 | 3 925,00 | 3 925,00 | 3 925,00 |
| 8 | 4Н-171 | "Кулива.к-Кулянчи к-Корхожи.к 0-7 км | 6 462,00 | 6 462,00 | 2 154,00 | 2 154,00 | 2 154,00 |
| 9 | 4Н-172 | "Корахожи.к-Камуна.к" 0-3 км | 1 455,00 | 1 455,00 | 485,00 | 485,00 | 485,00 |
| 10 | 4Н-173 | "Янгибоозор.к-Чанди к" 0-9 км А) Куввачча к 0-3 км | 33 408,00 | 33 408,00 | 11 136,00 | 11 136,00 | 11 136,00 |
| 11 | 4Н-174 | Куввачча.к-Кетмончудуми к-Емонжар.к" 0-7 км | 2 901,00 | 2 901,00 | 967,00 | 967,00 | 967,00 |
| 12 | 4Н-260 | 4Р 226 айливидан "Шимринкулук-Хатар" эй.0-28 км жами | 241 695,00 | 241 695,00 | - | - | - |
| | | | | | 80 565,00 | 80 565,00 | 80 565,00 |

Ш. Курбонов.

Бухоро вилояти АЙХББ

вакили :

Н. Ахмедов.

Р. Омонов.

Ф. Болтаев.

И. Гаппоров.

М. Фоминов.

Баш мухандис:

Баш хисобчи:

Айфб бошлиги:

ИБХБ баш мутахасиси:

113 й.б.бошлиги:

114 й.б.бошлиги: